# МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛЛАРДАН ЎТИБ

### ОҲАНГАРОН РАЙОНИДАГИ «ҒАЛЛАҚУДУҚ» СОВХОЗ САНОАТ КОМПЛЕКСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИГА 25 ЙИЛ ТЎЛДИ

БУГУН «Ғаллақудуқ» совхозининг марказида бунёд этилган замонавий посёлка, обод турар жойлар, болалар боғчалари, мактаб, профилакторий, ёшлар кафеси, соғломлаштириш комплекси, маданий-маиший ва бошқа биноларни кўрган киши бу хўжалик ҳамиша мана шундай илғор, меҳнаткашлари фаровон яшар экан-да, деган фикрга келиши табиий.

Аслида-чи ...

Аслида бу фаровонликка, юқори натижаларга етгунча қанча-қанча оғир ва мураккаб йўл босиб ўтилди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, совхоз дастлаб ташкил этилган 1964 йилда бу ерда бор-йўғи 91 хонадонда 472 киши яшарди. Аҳолининг 120 нафари ишга яроқли бўлиб, уларнинг ичида саккизта партия аъзоси бор эди, холос. Тошкент от заводидан совхозга 4 минг гектарга яқин паст-баланд лалми ер, еттита ҳайдов, олтита ишлов трактори, тўққизта комбайн ва олтита юк машинаси мерос бўлиб қолган эди. Ўшанда совхоз қарамоғидаги чўчқалар сони 1876 бошни ташкил этарди, холос.

Вазиятнинг ниҳоятда оғирлигига қарамай, совхоз меҳнаткашлари ўша йилиёқ давлатга 121 тонна гўшт, 860 тонна ғалла етказиб бердилар. Дастлабки кунданоқ бутун диққат-эътибор социал масалаларни ҳал этишга, одамларнинг уй-жой, иш шароитларини яхшилашга қаратилди. Кўп эмас, орадан ўн йил ўтгач, хўжаликда янги, замонавий посёлка қад кўтара бошлади. Қўша-қўша уй-жойлар, чорвачилик бинолари фойдаланишга топширилди. Умуман ана шу қисқа давр ичида 4 миллион сўмликдан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилди. 75 та уй-жой, 5 минг бош чўчқа, юз бош қорамол сиғадиган бинолар бунёд этилди.

1972 йилда «Ҳамдам» каналининг очилиши муносабати билан лалми ерларни ўзлаштириш имконияти туғилди. Совхозда боғдорчилик, узумчилик ривожлана борди. Сабзавот, картошка, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга киришилди.

Совхоз учун чинакам юксалиш даври 1977 йилдан яъни республикамизда ягона бўлган 12,5 минг тонна гўшт етиштиришга ва 108 минг бош чўчқани боқишга мўлжалланган комплекс ишга туширилгандан сўнг бошланди. Тўғри, бу комплекс қувватидан тўлиқ фойдаланилгунича бир қатор муаммоларни, қийинчиликларни бартараф этишга, қўшимча тадбирларни амалга оширишга тўғри келди. Тинимсиз изланиш, қилинган фидокорона ишлар ўзининг самарасини берди. Йилдан-йилга маҳсулот етиштириш суръати кўтарилиб бормоқда. Биргина ўн иккинчи беш йилликнинг ўтган уч йилида давлатга 42 минг тонна гўшт, 3800 тонна сут, 4 минг тоннадан ортиқ сабзавот, мева, картошка ва полиз маҳсулотлари етказиб берилди. 1988 йил совхоз тарихида янги марралар йили бўлиб қолди. Совхоз чорвадорлари пландаги 11 минг 500 тонна ўрнига 13 минг 137 тонна гўшт, 1072 минг тонна сут етиштириб, аҳолига сотишди. 117,6 минг бош чўчқа, 225 бош бузоқ олинди. Чўчқалар бош сони 104 минг бошга етказилди. Хўжаликда сарф-харажатларни камайтириш, меҳнатни оқилона ташкил этиш ҳисобига маҳсулот таннархи тобора арзонлашиб боряпти. Масалан, 1988 йилда I центнер гўшт етиштириш учун 134 сўм 50 тийин, 3,6 киши соати, 5,4 центнер озуқа бирлиги миқдорида ем-хашак сарфланди. Бу ўн биринчи беш йилликнинг шу даврига нисбатан бир неча баравар камдир. Ишлаб чиқаришдаги юқори кўрсаткичлар хўжаликнинг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланишига олиб келяпти. Мана учинчи йилдирки, совхоз йилига 7 миллион сўмдан ортиқ даромад қиляпти. Рентабеллик 31,8 процентга етди.

Коллектив аъзолари изланишда давом этишмоқда. Ҳозир совхоздаги барча ишлаб чиқариш бўлинмаларида иш бригада, коллектив, оила ҳамда ижара пудрати асосида олиб борилмоқда. Бугунги кунда бу ерда юқори натижаларга эришаётган илғорлар сафи ҳам ортиб боряпти. Н. Варава бошчилигидаги наслчилик фермаси коллективи оила пудрати асосида иш юритиб, йилига 11 минг бошдан ортиқ юқори наслли чўчқа боласи олишга эришмоқда. Т. Потапова, А. Рейтер сингари операторлар, И. Евдокимов бошчилигидаги участка бўрдоқибоқарлари, Е. Кан, Н. Сазонова, В. Когай, Л. Хлиновская, Э. Райсбих, З. Маматов, Т. Кудишина, А. Комилжонов, М. Бекназаров ўртоқлар бошчилигидаги коллективлар ҳам беш йиллик топшириқни уч-уч ярим йилда бажариб, барчага ўрнак бўлишяпти.

Яқинда совхознинг 25 йиллик тўйига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда ана шулар ҳақида гапирилди. Дарҳақиқат, бугун ғаллақудуқликлар эришган натижалар тўғрисида жуда кўп гапириш мумкин. Йиғилишда таъкидланганидек, бу муваффақиятларнинг бош омили коллектив аъзоларининг ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилаётганликларидир. Зеро, ҳозирги кунда бу ерда руслар, қозоқлар, ўзбеклар ва бошқа халқ вакилларидан иборат 1200 кишилик коллектив меҳнат қилмоқда. Уларнинг фаровон яшашлари учун қўшимча тадбирлар амалга оширилмоқда. Социал масалалар ҳал этилмоқда. Совхозда аллақачоноқ барча уй-жой билан таъминланган. Меҳнаткашлар ихтиёрига жаъми 50,6 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жой бериб қўйилган. Яқинда совхозда янги савдо маркази ва 400 ўринли клуб биноси фойдаланишга топширилади. Бир сўз билан айтганда, хўжаликда истиқомат қилаётган 3500 киши учун барча қулайликлар, шарт-шароитлар яратиб қўйилган.

Совхоз ташкил этилгандан буён бу хўжаликка Григорий Павлович Гриценко раҳбарлик қилиб келмоқда. Коллектив аъзолари совхоз эришган бугунги ютуқларда унинг ҳам алоҳида хизмати борлигини таъкидлаб ўтишди.

— Ҳали олдимизда жуда катта вазифалар, қилиниши лозим бўлган ишлар турибди. Хўжалигимизнинг аҳил, иноқ коллективи бундан буён ҳам Озиқ-овқат программасини бажаришга, аҳолига кўпроқ чорвачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшаверади,—деди директор пировардида.

Бунга ишончимиз комил.

**Ф. МУҲИДДИНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.**




Байрам тантаналаридан лавҳалар.
Суратчи А. ЗУФАРОВ.

*• Мутахассис дала айланганда*

# ЎРГИМЧАККАНАНИНГ КЎПАЙИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ

ҒЎЗА — зараркунанда ва касалликлардан энг кўп шикастланадиган экин. Унга турли хил ҳашаротлар тушади. Айниқса, ўргимчаккана бу ўсимликнинг ашаддий кушандасидир.

Ўргимчаккана асосан баргнинг орқа томонига жойлашиб олиб, унга шикаст етказади. Жуда ингичка кулранг иплари билан баргни ўрайди. Зарарланган баргнинг устки томонида эса оч тусли, қўнғир, қизғиш доғлар пайдо бўлади. Шундан сўнг у тўкила бошлайди. Ниҳоят ўсимлик яланғочланиб, қовжираб қолади.

Деҳқонларимиз, мутахассисларимиз пахта далаларида бу ҳашаротнинг тарқалишига йўл қўймаслик учун зарур чора ва тадбирларни амалга оширишга ҳаракат қиладилар. Бу иш эрта баҳордан бошланади. Тут навдалари кесиб олингач, дарахтлар атрофи, йўл чеккасидаги бегона ўтлар тозаланади. Дала атрофидаги ғўза ниҳоллари I — 3 та чинбарг чиқаргандан сўнг олтингугурт кукуни билан ОШУ-50 пуркагич аппарати ёрдамида чанглатилади.

Хўш, ҳозир далаларда аҳвол қандай?

Яқинда бир группа мутахассислар билан биргаликда Коммунистик, Бўка, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Чиноз районларидаги бир қатор хўжаликларда бўлдик. Карталарни синчиклаб кўздан кечирдик. Маълум бўлдики, айрим хўжаликларнинг пахта майдонлари чеккаларига ва ўрталарига тўп-тўп бўлиб ўргимчаккана тушган. Шунингдек, кўсак қурти тарқалаётган далалар ҳам аниқланди.

Демак, ҳозирги кундаги муҳим вазифа ўргимчаккана ва бошқа ҳашаротларнинг тарқалишига йўл қўймасликдан иборатдир. Бунинг учун қандай имкониятлар бор?

Бу йил областимиз хўжаликларига 2 минг тонна олтингугурт кукуни келтирилган. Шу билан бирга областимизда 42 та биолаборатория ва биофабрика ишлаб турибди. Ҳозирги кунга қадар 68,I минг гектар майдонга трихограмма, 31,4 минг гектар майдонга хабробракон, 41,8 минг гектар майдонга олтинкўз кушанда ҳашароти тарқатилди. Бу энтомофагларни ишлаб чиқаришда, айниқса, Бекобод биофабрикасида ибратли тажриба тўпланган. Бу тажрибадан кенг фойдаланиш керак.

Айни пайтда ҳашаротларни йўқотишда олтингугурт препаратининг самараси катта эканлигини ҳам унутмаслик керак. I00 литр сувга 12 килограмм олтингугурт кукуни билан 6 килограмм сўндирилган оҳак солиниб тайёрланган эритмадан 6 килограммига яна I00 литр сув аралаштирилса, бир гектар ерга сепишга етади.

Бу соҳада Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли, «Оққўрғон» совхозлари, Бекобод районидаги «Далварзин» совхози, Бўка районидаги Мичурин номли, «Ленинобод», «Ленин йўли», Карл Маркс номли колхозларда яхши ишлар қилинмоқда. Афсуски, кўпгина хўжаликларда бунга эътибор берилмаяпти. Мутахассислар эринчоқлик қилмоқдалар. Чунки бу эритмани тайёрлаш анча иш талаб қилади. Катта-катта дошқозонларда қайнатиб, тайёрлаш керак бўлади-да! Чиноз, Янгийўл, Пискент районларидаги мутахассислар бизнинг бу мулоҳазамиздан тўғри хулоса чиқариб оладилар, деб ўйлаймиз. Чунки улар олтингугурт эритмасидан кўра негадир кўпроқ заҳарли химикатларни ишлатишни афзал кўрмоқдалар.

Тўғри, бу йил истисно тариқасида изофен ва кельтан сингари заҳарли химикатлардан кўсак қуртига қарши курашда эса дендробациллин, фазалон, битоксибациллин препаратини қўлланишга рухсат берилган. Бироқ уларни ишлатганда тартиб-қоидага қатъий амал қилиш керак бўлади.

Яхшиси ҳашаротга қарши курашда биологик усулдан ва олтингугурт эритмасидан оқилона фойдаланишни маслаҳат берамиз.

**Ш. МИРЗАЕВА,**
**«Ташоблсельхозхимия» агрономи.**

*ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг ТИЛЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ—УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА*

# ТИЛ БОРКИ ХАЛҚ БОР

ЎЗБЕК тили давлат муҳофазасига олиниш арафасида. Она тилимизга бундай ғамхўрлик дунёнинг бошқа бирон жойида кўрсатилмаслиги ва унинг ривожланиши учун етарли шарт-шароит йўқлигини унутмаслигимиз керак. Шунинг учун қонунни **«Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ўзбек тилига давлат мақомини бериш тўғрисидаги қонуни»** деб номлаш мақсадга мувофиқдир.

Лойиҳада таҳрирга муҳтож моддалар талайгина. Жумладан, 1-модданинг 3-қисмида **«гражданлари»** эмас **«вакилларн»** бўлиши лозим, бундан ташқари шу ўринда **«...ва миллатлараро муомала тили сифатида рус тилини...»** жумласи ортиқча. 1-модданинг иккинчи қисмини **«Ўзбек тилининг расмий давлат тили мақомига эга бўлиши Ўзбекистон ССРда яшайдиган бошқа миллат вакилларининг ўз она тилини қўллашидан иборат конституцион ҳуқуқларни камситмайди»** деб ёзиш керак. Агар юқорида қайд этилган жумла қолгудек бўлса Ўзбекистон ССРда рус миллати вакиллари йўқ экан, деган хулосага келиш мумкин. Умуман, лойиҳанинг бошқа моддаларига ҳам «ва рус тилини», «ёки рус тилида» жумлалари асоссиз равишда тиқиштирилган. Фикримни изоҳлаш учун биргина мисол келтираман: 14-модданинг иккинчи қисмида **«Ўзбек тилида, рус тилида ёки томонлар учун мақбул бошқа тилда»** жумласи бор. Наҳотки **«ёки томонлар учун мақбул бошқа тилда»** дейиш **«рус тилида»** дейишни тақозо этмайди? Бу гапга ҳам «рус тилида» жумласини киритиш улуғ рус тилига ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас. Шунга ўхшаш нуқсонлар 13-, 30- ва 33-моддаларда ҳам кўзга яққол ташланади.

Ўзбекистон ССРда яшовчи бошқа миллат вакилларининг бир-бирлари билан ўзбек тилида мулоқот қилиш имкониятидан қонунан маҳрум этмаслигимиз лозим. Лойиҳанинг 3-моддаси **«Ўзбекистон ССРда рус тили миллатлараро алоқа воситасидир»** деб бошланади. Бундан чиқадиган хулоса шуки, масалан, Ўзбекистонда корейс тожик билан русча гаплашиши керак. Агар корейс тожик билан ўзбек тилида гаплашишни истаса-чи? Бизнингча, 3-моддани **«Ўзбекистон ССРда ўзбек ва рус тиллари — миллатлараро муомала воситасидир. Ўзбекистон ССР чегарасидан ташқарига жўнатиладиган расмий хат-ҳужжатлар ўзбек тилида ёки икки томон учун мақбул тилда тузилади»** деб тузатиш зарур.

Ўзбек тилининг тақдири Ўзбекистон ССР тасарруфида, бундан ўзгача бўлиши мумкин эмас. Шундай экан, 4-модданинг биринчи қисмини **«Ўзбекистон ССР республикада ўзбек тилини ривожлантириш ва қўллаш борасида ҳар қандай масалани ҳал этиш ҳуқуқига эгадир»** деб мухтасар ҳолга келтириш, шунингдек, 5-модданинг биринчи қисмини **«Қорақалпоғистон АССР автоном республика территориясида қорақалпоқ тилини ривожлантириш ва қўллаш борасида ҳар қандай масалани ҳал этиш ҳуқуқига эгадир»** деб тузатиш керак.

1-бобга **«Ўзбек тили кунини белгилаш тўғрисида»** деган модда киритиш даркор. Бу кун айрим кишилар таклиф этаётган Алишер Навоий таваллуд топган кун эмас (бу кун шундай ҳам нишонланади); балки «Ўзбекистон ССРнинг ўзбек тилига давлат мақомини бериш тўғрисидаги қонуни» қабул қилинган кун бўлгани маъқул. Шартли 6а моддасини қуйидагича ёзиш мумкин: **«Ўзбек тили кунини белгилаш тўғрисида. Республикада «Ўзбекистон ССРнинг ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги қонуни» қабул қилинган кун ҳар йили ўзбек тили куни сифатида нишонланади».**

Ҳар қандай раҳбар, ихтисоси бўйича билимдонлигидан қатъий назар, иш унумдорлиги юқори бўлиши учун давлат тилини билиши зарур. 12-моддада **«Муомала ва ахборот тилини тобе ходим танлайди»** деган жумла бор. Айтайлик, тобе ходим раҳбар билмайдиган тилни танласа-чи? Ушбу ноаниқликни бартараф этиш учун 12-моддани: **«Раҳбар ўзбек тилини билиши шарт. Муассаса, корхона ва ташкилотларнинг ходимлари ўртасида хизмат юзасидан бўладиган муомала ва ахборот тили ўзбек тилидир, зарур бўлганда эса томонлар учун мақбул тил қўлланилади»** деб тузатиш кифоя.

24-моддадаги биринчи гапни **«Ўзбекистон ССР араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувини ўргатишни умумий таълим мактабларига мажбурий фан сифатида жорий қилади ва бу ёзувни ўрганишни истайдиган гражданларга ёрдам беради»** деб ёзилса тилга ғамхўрликка намуна бўлар эди. Чунки эски ўзбек ёзуви — тил бойлигимизнинг бир чашмаси, ўзбек халқи шевалари ва оғзаки ижоди қолган чашмаларидир. Афсуски, бу борада лойиҳада ҳеч нарса ёзилмаган. VI бобга ҳам қўшимча модда киритиш керак. Шартли 24а моддасини қуйидагича ёзиш мумкин: **«Ўзбек халқи шевалари ва оғзаки ижоди тўғрисида. Ўзбекистон ССР ўзбек халқи шевалари ва оғзаки ижодини ўрганиш, илмий тадқиқ қилиш учун етарли шарт-шароит яратади ва изланиш натижаларини узлуксиз ёритиб боради».**

Лойиҳада давлат тилини ўрганишдан бўйин товлайдиганлар учун аниқ жавобгарлик йўқ. Шунинг учун 36-модданинг биринчи гапини қуйидагича тузатиш зарур: **«Ўзбекистон ССРда давлат тилини атайин ўрганиш ва сўзлашдан бўйин товлаш, шунингдек, ҳар қандай миллий тилга менсимай ёки хусумат билан қараш таъқиқланади».**

39-модданинг биринчи қисмини эса **«Ўзбекистон ССРнинг ўзбек тилига давлат мақомини бериш тўғрисидаги қонуни босқичма-босқич жорий этилиб, бу жараён 1992 йил 1 январигача ниҳоясига етказилади»** деб ёзишни таклиф қиламан.

**А. МЎМИНОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бадиий адабиётни тарғиб қилиш бюроси ходими.**

# СОДИҚ БЎЛАЙЛИК

Лойиҳани ўқиб чиққач, узоқ ўйланиб қолдим. Нима учун биз тил тўғрисида эмас, тиллар тўғрисида қонун қабул қилаяпмиз? Нега лойиҳада рус тилига бўлган эътиборни шунчалик қайта-қайта таъкидлаш керак. Мақоламнинг бошидаёқ айтиб қўяй: рус тилини ўрганишга ҳеч ким қаршилик қилмайди. Бу улуғ ва қудратли тил. Уни йиллар давомида авлодлар қулоғига қуйиб келаяпмиз. Бу Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир оила учун ёд бўлиб кетган. Бу тилсиз биз бошқа халқлар маданиятидан баҳраманд бўлолмаслигимизни ҳам жуда яхши биламиз. Шундай экан, лойиҳанинг асосий мағзини бугунги кунда ночор аҳволга тушиб қолган ўзбек тилининг тақдири ташкил этиши керак эди. Ахир у йиллар давомида камситилиб эътибордан четда қолиб келди. Демократия, ошкоралик туфайли бағримизга шамол тегиб, энди бу хатони тузатамиз деб турганимизда лойиҳанинг бу тарздаги талқин қилиниши бизни таажжублантирди. Унинг кўп моддалари иккитиллилик ва кўп тиллилик сиёсати билан суғорилган. Ваҳоланки, ўзбек халқи ўз она тилида равон гаплаша оладиган, давлат ишларига бемалол аралаша оладиган, ўз тилида ижод қиладиган, илмий ишларни бажарадиган бўлиши керак.

Ўрта Осиёдан ташқари кўпгина Иттифоқдош республикаларда ўша республика номи билан аталган тил давлат тили ҳисобланади. Хусусан, Болтиқбўйи, Кавказ республикалари, Молдавия, Украина, Белоруссияда бўлганимда бунга тўла ишонч ҳосил қилдим. Бу жойларда бошқарув идораларида ишловчи кишилар ўзлари яшаб турган республика тилини мукаммал биладилар. Ўзбекистонда эса аксинча, бошқарув аппаратларида, айниқса одамларнинг иши тушадиган ташкилотларда ўзбекчани чала биладиган ёки жуда ҳам кам биладиган ва мутлақо билмайдиган кишилар ишламоқдалар. Бундай раҳбарлар олдига рус тилини билмайдиган оддий меҳнаткашлар киришга тортинадилар. Фикрларини баён қилолмасликдан чўчиб ҳадиксирайдилар. Шунинг учун ҳам идора раҳбарлари ўзбек тилини албатта билишлари шарт.

Тил — буюк бойлигимиз. Республикамиз Фанлар академияси Ўзбек тилининг пойдеворини қайта тиклашга бош қўшса ҳайрли иш бўлур эди, деб ўйлайман. Буюк мутафаккир Навоий давригача тилимизнинг туркий ном билан аталиши кўпчиликка маълум. Кейинчалик эса, айниқса, Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг В. И. Ленин ҳар бир миллат маданиятини, тилини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш кераклигини таъкидлади. Аммо йиллар ўтиши билан бу таълимотга риоя қилинмай қўйилди. Ўзбек тилини байналминаллаштириш соҳасида айрим олим ва файласуфларимиз катта «хизматлар» қилдилар, илмий асарлар яратдилар.

Яқинда Фанлар академиясининг кўзга кўринган раҳбарларидан бири матбуот саҳифасида миллий ёшлар рус тилини билмаслиги туфайли ҳарбий хизмат ўрнига қурилиш батальонларида мажбурий жисмоний меҳнат қилаётганликлари тўғрисида гап юритди. Адолат нуқтаи назаридан қараганимизда «сен рус тилини билмайсан, қурилиш батальонидан бошқасига ярамайсан», дейиш инсофданми? Бу борада ҳам чуқурроқ ўйлаб кўриш керак.

Сир эмас, бир неча йиллар давомида олий мактабларда бир қатор лекциялар фақат рус тилида ўқиб келинди. Энди болалигиданоқ даладаги меҳнатга жалб қилиниб, бу тилни эгалламаган ёшларнинг билим олишини тасаввур қилиб кўринг, Демак, ўз-ўзидан маълумки, биз халқ хўжалигига малакасиз, ўз соҳасини яхши билмаган кадрларни тайёрлаб бердик. Ҳали бундай мутахассислар иш самараси турмушимизда анча вақтларгача ўзининг салбий изини қолдираверади. Ёки бўлмаса, дарсликлар, қўлланмаларнинг фақат рус тилида нашр қилиниши нималарга олиб келиши ҳақида ўйлаб кўрдикми? Натижада ўзбек тили оддийгина турмуш тили бўлиб қолди холос. Энди бу катта хатоларимизни тузатиш пайти келди. Партия ва ҳукуматимиз, ошкоралик ва демократия бунга йўл очди. Ана шу қулай фурсатдан фойдаланишимиз, ўзбек тилига чинакам давлат мақоми берилишига эришишимиз ва тилимиз эркинлигининг самарасини ҳис этишимиз керак.

**К. МУҲИТДИНОВ,**
**Ўзбекистон агросаноат давлат комитети республика ўқув методик кабинети ходими.**

# МУҲЛАТ БЕРИЛСИН

Афсуслар бўлсинки, биз умид боғлаган комиссия аъзоларидан ҳафсаламиз пир бўлди. Сабаби, лойиҳа жиддий таҳрир талаб қилинишидан ташқари, у тугалланмаган, чала-чулпа ҳамдир. Чунки унинг 1-моддасида ўзбек тилининг Ўзбекистон ССРда давлат тили эканлиги таъкидланган бўлиб, қолган моддаларда ўзбек-рус икки тиллилиги қайд этилади.

Лойиҳанинг VI боб 26-моддасида тилларни ўрганишнинг мажбурийлиги тўғрисида гап боради. Биз бу моддага **«Ўзбекистон ССРда ўзбек тили давлат тили деб расман тан олингач, республикада яшаётган ҳар киши ўзбек тилини ўрганиши ва билиши, шу мақсадда уларга маълум вақтга қадар муҳлат берилиши шарт»** деб қўшиб қўйилишини таклиф қиламиз.

**Н. МУҲИДДИНОВ,**
**Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнат ветерани.**

# ОИЛАВИЙ ХУЛОСА

Матбуотда Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги қонуни лойиҳасини зўр қизиқиш билан оилавий муҳокама қилдик ва қуйидаги хулосага келдик.

1. Ўзбекистон ССРнинг тиллар тўғрисидаги қонун лойиҳасидан шундай кўриниб турибдики, қонун агар шу тарзда қабул қилинадиган бўлса, она тилимиз — ўзбек тилига бўлган муносабат заррача ҳам ўзгармай қолаверади. Натижада икки тиллилик бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

2. Қонун лойиҳасида рус тили миллатлараро тил деб кўрсатилган. Бизнингча, у СССР халқлари ўртасидаги дўстлик тили дейилгани мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Қонун лойиҳасининг бошидан охиригача ҳар бир боб ва модда икки тиллилик тиқиштирилган ва доим рус тили билан бирга юритилган. Ўзбек тилига эса мустақил, эркинлик ҳуқуқи берилган эмас. Бизнинг эса ишончимиз комилки, рус тилида ёзиш учун доимо зарурат бўлади.

Ўзбек тили 30—40 йиллардан то 1985 йил апрель Пленуми ва XIX партия конференциясига қадар босқичма-босқич ўз ривожини топмай келди. Ҳатто рус тилини равон сўзлай олмаганлар, бехато ёзаолмаганларга саводсиз деб баҳо бериларди. Шу сабабли мажлис ва йиғинлар ўзбек тилида олиб борилмасди.

Биз лойиҳа бутунлай қайтадан кўриб чиқилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Қонунда кўрсатилган барча боб ва моддаларда ўзбек тили сўзидан сўнг нуқта қўйилиб, сўнгра алоҳида модда киритилиб, лозим бўлган тақдирдагина бошқа миллатлар билан бўладиган ўзаро муносабатлар дўстлик тили — рус тилида ёҳуд бошқа тилларда олиб бориш керак, деб юритилиши мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

**А. ТОЛИПЖОНОВ,**
**меҳнат ветерани.**

# ТАКЛИФЛАР, ИСТАКЛАР

ЛОЙИҲАНИНГ 24-моддасида эски ўзбек ёзуви тўғрисида гап боради. Менимча, бу масалага чуқурроқ ёндашиш, хусусан, **«эски ўзбек ёзувини ўрганишни истайдиган гражданларга ёрдам бериш» эмас, балки бошланғич синфлардан бошлаб араб алифбосини ўргатишни қатъий йўлга қўйиш лозим.** Акс ҳолда халқимиз ўз тарихини билмаган ҳолда бугунги кундагидек чаласавод бўлиб қолаверади.

**Ў. КАРИМОВ,**
**Калинин районидаги 10-мактаб ўқитувчиси.**

* * *

ЛОЙИҲАНИНГ III боб 9-моддаси: «Ўзбекистон ССР давлат органлари ишида қўлланиладиган ягона тил ўзбек тилидир» бўлиши лозим. «. . . Гражданлар қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъий назар ўзбек тилини билиши шарт» деб тузатиб ёзилиши керак.

**И. УМАРОВ,**
**Тошкент.**

